



Савол:

Мен сизлардан тарових намози ҳақида унинг неча ракат, қачон ўкилиши ва унинг фарз ёки суннатлигини сўрамоқчиман? Витр намозида кунут дуосини ўқиш шартми ёки ўқилмаса ҳам бўлаверадими?

Жавоб:

Тарових намозининг хукми суннатдир. Унинг асли таҳажжуд намозидир. Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларида саҳобалар билан тарових намозини бир икки бор ўқиганлар ҳолос. Уни ўқишда давом этмасликларига эса фарз бўлиб қолишидан кўрканлари ва фарз бўлиб қолса умматининг кўпчилиги уни адо эта олмасдан гуноҳкор бўлиб қолишларини сабаб қилиб кўрсатганлар. Таҳажжуд намози расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга фарз умматига эса суннат. Унинг расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга фарзлиги ва умматга суннатлиги Муззаммил сурасининг аввал ва охири оятларида баён қилинган. Унинг ракатларига келсак пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам бутун ҳаётлари давомида таҳажжуд ўқидилар, ул зотнинг таҳажжуд намозларини энг севимли, кечаю кундуз бирга бўлган аёллари Уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилдилар: «расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рамазонда ҳам ундан бошқасида ҳам ўн бир ракатдан оширмас эдилар. Тўрт ракат ўқирдилар уларнинг чиройию узунлиги ҳақида сўрамай кўявер. Кейин уч ракат ўқирдилар». Бухорий 1447, 2013, 3569 ва Муслим: 738. Яна Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилдилар: «пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда ўн ракат ўқирдилар, ҳар икки ракатда салом берар эдилар. Кейин бир ракат билан витр қилар эдилар». Бухорий: 1140, Муслим: 238.



Ислом Нури

Баъзи хадисларда собит бўлганки ул зот бундан озрок ракат ўқиганлар. Гохида эса ўн уч ракат ўқиганлари ҳам ривоят қилинган. Зикр қилинган хадислардан кўриниб турибдики таҳажжуд намозида анча кенгчилик бор экан. Унда муайян ракатга чекланиш йўқ эканки ундан бошқаси мумкин бўлмаса. Бу Аллох таъолонинг биз бандаларига бўлган фазлу қарами ва енгиллигидир, токи ҳар-бир мусулмон қодир бўлганини қилади. Таҳажжуднинг бу кўринишлари рамазонни ҳам бошқасини ҳам ўз ичига олади. Уни биз тарових деб исмлайлик ёки таҳажжуд ё бўлмаса қиёмул-лайл деб атайлик буларнинг бари бир.

Умар розияллоху анхунинг халифалик даврида одамлар рамазонда тарқок холда тарових ўқишаётган эдилар. Умар розияллоху анху уларнинг барчасини жамладилар ва Убай ибн Каъбни уларга имом қилдилар. У уларга таровихни йигирма ракат ўқиб берарди. Йигирма ракат ўқиш Умар розияллоху анхунинг суннатларидан бўлади. Чунки, ҳулафо ар-рошидийнларнинг ҳам суннатлари бор. Бу ҳақда расулуллох саллоллоху алайҳи ва салламдан саҳих хадис ривоят қилинган.

Унинг ўқилиш вақти ҳуфтан намозининг фарзидан кейин то кечанинг охиригача. Афзали кечанинг учдан биридан кейин, ундан ҳам афзалроғи кечанинг охириги учинчи қисми қолганда ўқиш. Витрда кунут дуосини ўқишни баъзи уламолар вожиб, бошқалари эса суннат деганлар. Витр намозини вожиб деганлар вожиб (Абу Ханифа айтган) , суннат деганлар суннат (Абу Юсуф ва Мухаммад) дейишган.

Ривоят қилинган хадисларга қараладиган бўлса унинг суннатлиги тўғрироқдир. Чунки, расулуллох саллоллоху алайҳи ва саллам уни доимий равишда қилмаганлар. Шунга биноан амал фарзга ўхшаб қолмаслиги учун гохида кунут дуосини ўқилмаса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Валлоху аълам.